

Boʻla va Zamoni

Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации

2
2021

Знакомство
дошкольников
с историей
Ташкента

Интеллект – янги билимларни
кашф қилиш ва мавжудларидан
фойдаланиш имконияти

Bola va Zamon

2 / 2021

Тахрир кенгаши аъзолари

Ш.Х. Шерматов, А.М. Хаджибеков,
А. Тошқулов, А.В. Шин

Тахрир ҳайъати аъзолари

Шокирова Зухра Илёсовна
(бош муҳаррир),
Яхняева Муҳаё Шурниязовна
(бош муҳаррир уринбосари),
Алимова Васида Саттаровна
(тиббиёт фанлари номзоди),
Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна
(юридик фанлар доктори),
Газиёв Эргаш Газиёвич
(психология фанлари доктори),
Мусурманова Айниса Мусурмановна
(педагогика фанлари доктори),
Исмаилов Баходир Исламович
(юридик фанлар доктори),
Исмаилов Исомиддин
(юридик фанлар доктори),
Исроилова Нодира Ачилбаевна
(фалсафа фанлари номзоди),
Муминова Лола Рахимовна
(педагогика фанлари доктори),
Сафаев Нуриддин Салихович
(психология фанлари доктори),
Хрульнова Гелена Вячеславовна
(психология фанлари номзоди),
Шарипова Дилъра Джуманиязовна
(педагогика фанлари доктори),
Шарипова Мадина Каримовна
(тиббиёт фанлари доктори),
Қодиров Ботир Рахмонқулович
(психология фанлари доктори)

Журналнинг чоп этилиши учун масъул ходимлар:

Виктор Саттаров (масъул котиб),
Елена Калинина, Наргиза Қаҳҳорова
(мусаҳҳихлар), Шерзод Алимов
(фотограф).

Журнал УЭР ВМ ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
Президиумининг 2006 йил 26 октябридаги 128/4-сонли
қарори билан **юридик фанлар** бўйича, 2007 йил 29 мар-
тидаги 133/4-сонли қарори билан **педагогика ва психоло-
логия фанлари** бўйича илмий даража талабгорлари чоп
этиши лозим бўлган журналлар рўйхатида киритилган.

Таъсисчилар: Республика болалар ижтимоий мос-
лашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» республика
болалар жамоатчилиги жамғармаси.

Нашр Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатдан ўтган Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги
гувоҳнома рақами 0168; 2007 йил 11 январь.
ISSN 2181-5496

Тахририят манзили: 100100, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.
Телефонлар:
+998-71-281-59-30; 281-50-18; 281-49-54 (факс)
Эл. почта: bola-zamon@umail.uz
Веб-саҳифа: www.rcsad.uz
Ижтимоий тармоқдаги саҳифа:
www.facebook.com/bolavazamon

Обуна индекси: 1127. Журнал 1 йилда 4 марта чиқади.
Журнал босишга руҳсат этилди: 25.06.2021.
Чикарилган санаси: 07.07.2021. Буюртма: №151/С.
Адади: 100 нусха. Баҳоси: «Келишилган нарҳда».
Журнал ECO TEXTILE PRODUCT МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., ТАКД,
11 км, 10-уй.

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам тахририят фикрига
тўғри келавермайди. Тахририят мақолаларнинг услубий
хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида
сақлаб қолади. Тахририятга юборилган мақолалар эгаси-
га қайтарилмайди ва тақриз ёзилмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора.
Редакция оставляет за собой право на стилистическую
правку и сокращение статей. Присланные в редакцию
рукописи не возвращаются и не рецензируются.

БОЛА ВА ҚОНУН / РЕБЕНОК И ЗАКОН

- О некоторых правовых вопросах при оказании первой помощи семьям и детям 3
- Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини рақамлаштириш 5
- Болаларга қарши жиноятларнинг юқори латентлик даражаси ва унинг сабаблари 8

ПСИХОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ / ПСИХОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА

- Интеллект – янги билимларни кашф қилиш ва мавжудларидан фойдаланиш имконияти 11
- Экстремал вазиятга тушган одамларда ижтимоий-тиббий-психологик иммунитетни шакллантириш масалалари 14
- Сурункали соматик касалликларнинг болалар руҳий ривожланишига таъсири 17
- Проблема оказания психологического сопровождения детей и подростков с ограниченными возможностями здоровья в чрезвычайных ситуациях 20
- Болалардаги гиперфаоллик ва диққат танқислиги синдроми: сабаблари, психологик ташҳиси 24
- Усмирларда суицидал хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик хусусиятлари 26
- Оилада ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатда тарбиянинг психологик-амалий жиҳатлари 28
- Мобил телефон: фойдаси ва болалар соғлиғига таъсири масалалари 30

ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ / ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАНИЕ

- Предоставление медико-социальной помощи детям, оказавшимся в чрезвычайных ситуациях 32
- Илк ёшдаги бола нутқининг кечикиши: унинг гапириб кетишига ёрдам бериш масалалари 34
- Булажак ўқитувчиларда китобхонлик компетенциясини ривожлантириш 38
- Инновацион таълим кластери воситасида булажак дефектологларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш 41
- Экстремал вазиятга тушиб қолган болаларга руҳий ёрдам кўрсатиш амалиётлари эртақлардан фойдаланиш 44
- Имконияти чекланган фарзанди бор оилаларда шахслараро муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари 46
- Урта Осиёлик қомусий олимларнинг илмий мероси – математика фанини ўқитиш технологиясини такомиллаштириш воситаси сифатида 48

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- Табиатга меҳр уйғотиш сирлари 51
- Использование современных педагогических технологий в дошкольных образовательных организациях 54
- Мактабгача ёшдаги болаларнинг математик компетенцияларини шакллантиришда «Мёбиус варағи» технологиясидан фойдаланиш 57
- Кружковая деятельность как метод формирования нравственных качеств у детей в условиях дошкольных образовательных организаций 60
- Болаларнинг математик тасавурларини ўстиришда эртақларнинг имкониятлари 63
- Знакомство дошкольников с историей Ташкента 66
- Мактабгача ва бошланғич синф болаларини экологик тарбиялашда уйиннинг ўрни 68

СПОРТ – САЛОМАТЛИК МАНБАИ / СПОРТ – ИСТОЧНИК ЗДОРОВЬЯ!

- Спортчи фаолиятида иродавий сифатларнинг роли хусусида 70

Болалардаги гиперфаоллик ва диққат танқислиги синдроми: сабаблари, психологик ташҳиси

Рузахон МЕЛИБАЕВА

Тошкент тиббиёт академияси
Педагогика ва психология кафедраси
мудир

Психология ва тиббиёт соҳалари болаларнинг диққати билан боғлиқ бир қатор синдромлар борлигини эътироф этади. Шундай синдромлардан бири – болаларда гиперфаоллик ёки диққат танқислиги синдромидир. Гиперфаол ёки диққат танқислиги синдроми бўлган бола гўёки «чақмоқдек», шиддатли ва шижоатлидир. У доимо шошади, топшириқларни бажаришда янглишади, кўрсатма ва йўриқномаларга қулоқ солмайди, кўплаб хатоларга йўл қўяди, уларни тузатишга эътибор қаратмайди. Бундай болаларнинг хатти-ҳаракати атрофдагиларнинг тушунмаслиги оқибатида эътирозлар таъсири остида қолади. Натижада унга «ҳеч нарсани уқтириб бўлмайдиган ва қобилиятсиз», деган тамға босилади. Бу тарздаги гипердинамиклик синдроминанинг кескин ривожланиши 6-7 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврларда кузатилади. Агар болаларга даволаш чоралари ҳамда нотўғри тарбиявий таъсир кўрсатилса, бу синдромнинг ривожланишига олиб келади. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, гиперфаоллик ушбу тоифа болаларда комплекс бузилишларнинг намоён бўлишига туртки бўлади. Унинг асосий нуқсонидиққат механизмининг етишмаслиги ва назоратнинг тормозлашиб қолганлигидир.

Диққат танқислиги ва гиперфаоллик синдроми шахс

Таянч сўзлар: диққат танқислиги, синдром, психологик ташҳис, гиперфаол, диққат бузилиши.

Аннотация / Abstract

UZ. Мазкур мақолада болаларда учрайдиган диққат танқислиги синдроминанинг психологик ва тиббий хусусиятлари, уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда психологик ташҳиси хусусида сўз боради. Шунингдек, муаллиф диққат танқислиги синдромина психологик ташҳис қилиш учун алоҳида баҳолаш мезонлари ва улар аломатининг учта гуруҳини ёритган.

RU. В статье рассматриваются психологические и медицинские особенности синдрома дефицита внимания у детей и его психодиагностика. Автор также выделяет отдельные критерии оценки психодиагностики синдрома дефицита внимания и его трех групп симптомов.

EN. This article discusses the psychological and medical features of attention deficit syndrome in children, the causes of attention deficit syndrome and its psycho diagnostic. The author also highlights separate assessment criteria for the psycho diagnostic of attention deficit syndrome and their three symptoms.

тараққиётини бир қатор ёш босқичларида кузатилиши мумкинлиги қайд қилинади [7]. Диққат танқислиги ва гиперфаоллик синдроми кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворидаги бузилишларнинг кенг тарқалган шакли сифатида қаралади. Мазкур синдром қиз болалардан кўра ўғил болаларда кўпроқ кузатилади. Мактабгача ёш даврида бошланган диққат танқислиги меъёрдаги интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш билан компенсацияланганда, муаммосиздек туюлса-да, аммо мактабда ўқишни бошлаганидан жиддий қийинчиликлар кузатилади. Одатда, ўсмирлик ёшида диққат танқислиги сақланиб қолса-да, аммо гиперфаоллик йўқолиб кетади ёки аксинча, фаолликнинг пасайиши, психик фаолиятнинг сусайиши ва қўзғалувчанликни етишмаслиги билан алмашиниши мумкин [8].

Болалардаги диққат танқислиги ва гиперфаоллик сабабларини ўрганган олимлар куйидаги

омилларни санаб ўтадилар [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8]:

- миянинг органик бузилиши (бош миянинг лат ейиши, нейроинфекция ва бошқалар);
- туғриқ вақтидаги (перинатал) патология (онанинг ҳомиладорлик вақтидаги асоратлари, чақалоқнинг асфиксияси);
- генетик омиллар (диққат танқислиги синдроми оилавий характер туфайли ўтиши);
- нейрофизиологик ва нейроранатомик (МНС фаоллаштирувчи тизимининг дисфункцияси) хусусиятлари;
- озиқ-овқат билан боғлиқ омиллар (озиқ-овқат таркибида углеводлар таркибининг юқорилиги диққат кўрсаткичларини пасайишига олиб келади);
- ижтимоий омиллар (тарбиявий таъсирларнинг изчиллиги ва тизимлилиги).

Гиперфаол болалар билан ишлашда уларнинг хулқ-атворидаги бузилишларга олиб

келувчи сабабларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Диққат танқислиги синдроми ёки гиперфаолликни ташҳис қилиш эса муаммонинг ўзига хос томони ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан диққат танқислиги синдроми бор болаларнинг психологик ташҳисининг энг содда услуби хусусида сўз юритамиз.

Диққат танқислиги аломатларининг психологик ташҳиси. Тақдим қилинаётган ташҳисий восита мутахассислар томонидан болалардаги диққат танқислиги синдромининг куйидаги клиник-психологик аломатларига кўра баҳолаш имконини беради. Бунинг учун психолог ёки ота-она боланинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворида кузатиладиган куйидаги мезонларга эътибор қаратишлари зарур:

- 1) қўл ва товонда беҳаловат ҳаракатлар қилиши ёки бола стулда ўтирган ҳолда уни теб-рантиради ва ҳаракатлантиради;
- 2) боладан жим ўтириш талаб этилганда хотиржам тура олмайди;
- 3) ташқи таъсирларга тез чалғувчан;
- 4) ўйин вақтида ва ҳар хил жамоавий вазиятларда ўз навбатини кута олмайдиган сабрсиз;
- 5) диққатини тўплай олмайди, оқибатда берилган саволларни тингламасдан ва ўйламасдан жавоб беради;
- 6) берилган топшириқларни бажаришда қийналади;
- 7) топшириқларни бажариш ва ўйин вақтида қийинчилик билан диққатини жамлайди;
- 8) бирор бир тугалланмаган ҳаракатдан бошқасига тўлиқ ўтиши қийин;

Гиперфаол ёки диққат танқислиги синдроми бўлган болалар кўп ҳолатларда мулоқотда муаммога дуч келадилар-ки, оқибатда улар тенгдошлари билан кўп ўйнай олмайдилар, дўстлик қоидаларига узоқ амал қилмайдилар.

- 9) тинч, хотиржам ўйнай олмайди;
- 10) лақма;
- 11) бошқалар, атрофдагиларга халақит қилади (ўйинда бошқа болаларга халақит қилади);
- 12) кўпинча унга мурожаат қилганда тингламасдан, эътибор қаратмайди;
- 13) уй ва мактабда зарур буюмларини йўқотиб юради (масалан, ўйинчоқ, қалам, китоб ва бошқа нарсалар);
- 14) оқибатини ўйламай хавфли хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил.

«Диққат танқислиги» синдромига мойил болага диагноз қўйилганда юқорида санаб ўтилган аломатларнинг камида 8 таси учрайди. Демак, синдромнинг намоён бўлиши уларнинг ўзига хослигини ифодаловчи уч гуруҳ аломатларга кўра баҳоланади:

- ↓ гиперфаоллик аломатлари (1, 2, 9, 10-симптомлар);
- ↓ эътиборсизлик ва чалғувчанлик аломатлари (3, 6, 7, 8, 12, 13-симптомлар);
- ↓ импульсивлик (ғайри ихтиёрий) аломатлари (4, 5, 11, 14-симптомлар).

Бу хулқ-атвордаги асосий бузилишлар мактабда боланинг ўзлаштириш ва бошқа кишилар билан муносабатларида

қийинчилик туғдириш билан бир қаторда тартиб-интизомнинг бузилишига ҳам олиб келади.

Бундай болалар кўп ҳолатларда мулоқотда муаммога дуч келадилар-ки, оқибатда улар тенгдошлари билан кўп ўйнай олмайдилар, дўстлик қоидаларига узоқ амал қилмайдилар. Улар тенгдошлари орасида низоларнинг доимий манбаи ҳисобланадилар.

Шу нуқтаи назардан:

- гиперфаол ва диққат танқислиги бўлган болаларнинг хусусиятларини эрта аниқлаш, яъни кузатишлар асосида ташҳис қўйиш;
- бу тоифадаги болалар билан ишлашда ота-оналар турли соҳа мутахассислари, тарбиячилар, ўқитувчилар ва психологларни жалб этган ҳолда комплекс ёндашув асосида таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари муҳим.

Гиперфаол ва диққат танқислиги бўлган болалар нозик тарбиявий таъсир кўрсатишни талаб қилувчи болалардир. Улар камолотининг кейинги босқичида жиддий муаммолар юзага келмаслигини олдини олиш учун бу болалар билан кичик ёшидан мутахассис иштирокидаги ёндашув зарур эканини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Адабиётлар:

Бехтерева. – СПб. : Питер, 2010. №3. 95 б.

1. Альтхерр П. Гиперактивные дети. Коррекция психомоторного развития. – М.: Академия, 2009. 160 б.

2. Бадалян Л.О. Синдромы дефицита внимания у детей // Обзорение психиатрии и медицинской психологии им. В. М.

3. Брызгунов И.П. Непоседливый ребенок, или все о гиперфаолных детях. – М.: Институт Психотерапии, 2009. 196 б.

4. Заваденко Н.Н. Факторы риска для формирования дефицита внимания и гиперфаолности у детей. – М.: Экмо-Пресс, 2009. 104 б.

5. Шевченко Ю.С. Коррекция поведения детей с гиперфаолностью и психопатоподобным синдромом. – СПб. : Речь, 2007. 158 б.

6. Ясюкова Л.А. Оптимизация обучения и развития детей с ММД. Диагностика и компенсация ММД. – СПб. : Речь, 2010. 183 б.

7. https://www.health.gov.au/Russian/Subjects/KidsAndMatures/child_development

8. Раттер М. Психосоциальная устойчивость и защитные механизмы. // Американский журнал ортопсихиатрии, 1987. 316-331-б.

9. <https://doi.org/10.1111/j.1939-0025.1987.tb03541.x>